



# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

1-сон  
2011





|   |   |                            |
|---|---|----------------------------|
| Абдувахобов О.,<br>Абдувахобова Ш.<br>Сабилов Н.  | Бухгалтерия хисоби фанини ўқитишнинг айрим муаммолари.....  | 83                         |
|   | Чарм-пойабзал саноати корхоналаридаги ташкилий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий таҳлили.....   | 85                         |
| Раҳманов З.<br>Сариков Ш.,<br>Атаниёзов Ж.<br>Рихсимбаев О.<br>Ураков Т.<br>Хўжаонов Х.,<br>Раҳмонов Д. | Тижорат банкларининг банк хизматлари бозори сегментини танлаш стратегияси.....<br>Жаҳон иқтисодиётида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг замонавий моделлари.....<br>Баҳолаш фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....<br>Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти..<br>Ҳозирги замонавий шароитда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари..... | 87<br>89<br>91<br>94<br>96 |

#### VI. БАНК ВА ИННОВАЦИЯЛАР

|  |   |                   |
|--|---|-------------------|
| Хошимов Э.                                   | Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози таъсирини юмшатиш шароитида банк сектори молиявий барқарорлигини бошқариш муаммолари.....   | 100               |
| Мухитдинов Х.<br>Кобилов А.                  | Вопросы совершенствования оценки инновационного потенциала.....<br>Основные пути автоматизации функциональных задач налоговой службы на основе применения специализированных информационных систем.....   | 103<br>105        |
| Турсунов И.<br>Абдиримов М.<br>Темиров А.    | Иқтисодиётни модернизациялаш асосида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш..<br>Банк тизимида инкирозга қарши бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари.....<br>Кичик бизнес субъектлари фаолиятида мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими ва ундан фойдаланиш асослари..... | 107<br>109<br>111 |
| Якубжанов М.                                 | Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигини таъминлашда тижорат банкларининг ликвидлик рискларини бошқариш муаммолари.....  | 115               |
| Насритдинов Ф.,<br>Содиқов Ш.<br>Икратова Н. | Банклар фаолиятида кредит рискни бошқаришнинг методологик муаммолари.....<br>Инкироз шароитида банкларнинг маркетинг стратегияси ва унда сегментлашнинг ўрни.....   | 118<br>121        |
| Дадаханова У.<br>Кучаров А.,<br>Айтиева С.   | Правовые основы формирования ипотечного кредитования в Республике Узбекистан...<br>Республикада экспорт ва импортни тартибга солишнинг асосий йўналишлари.....  | 123<br>126        |

#### VII. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

|   |   |                   |
|---|---|-------------------|
| Арипова Д.<br>Бектемиров А.<br>Юлдашев Р. | Перспективы развития мирового рынка информационно-телекоммуникационных услуг.....<br>Исиклик энергетикаси объектларини инвестициялашнинг самарадорлигини баҳолаш...<br>Поддержание инвестиционной активности как обязательное условие экономического роста..... | 130<br>131<br>133 |
| Харченко Л.                               | Проблемы управления денежными потоками при оценке эффективности инвестиционных проектов.....  | 135               |
| Қодирова Қ.,<br>Се Кванг Ох               | Чет эл сармоялари киритилишида давлатнинг роли.....   | 138               |

#### VIII. ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

|               |  |     |
|---------------|--|-----|
| Жўрабекова Х. | Хорижий мамлакатлар маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг номарказлаштириш соҳасидаги тажрибаси хусусида..... | 143 |
| Эргашев И.    | Иқтисодиётда овердрафтни қўллашнинг хориж тажрибаси.....   | 144 |

#### IX. ТАЪЛИМ

|   |  |                   |
|---|--|-------------------|
| Гулямов С.,<br>Мирбабаев Ф<br>Самадов Х.  | К вопросу об управлении наукой в высшей школе.....<br>Баркамол авлод таълим-тарбиясида Ибн Сино ижтимоий-ахлоқий қарашларининг ўрни.....   | 150<br>154        |
| Эргашев Қ.,<br>Шодмонқулов И.<br>Икратов М.,<br>Мамараджабов Ш.<br>Файзуллаева Н. | Олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлашда “Ўзбекистон тарихи” фанининг муҳим аҳамиятли жиҳатлари.....<br>Мухандис-педагогларнинг касбий маҳоратини шакллантиришда педагогик масалаларнинг ўрни.....<br>Узлуксиз таълим концепцияси ижтимоий ходиса сифатида..... | 155<br>157<br>159 |

#### X. АДАБИЁТЛАРГА ТАҚРИЗ

|   |  |                          |
|---|--|--------------------------|
| Ғойибназаров Б.<br>Хасанов Б.<br>Пардаев М.,<br>Тухлиев И.<br>Махмудов Н. | Иқтисодиётни экологиялаштириш: назарий-услубий муаммолар ва ечимлар.....<br>Бухгалтерия хисобининг назарий-методологик такомиллашувига доир.....<br>Иқтисодиёт фанидан яна бир дарслик олий таълим учун янги авлод адабиётлари тизимини бойитди.....<br>Институциональные основы формирования конкурентной среды в национальной экономике..... | 163<br>164<br>165<br>166 |
| Холбеков Р.   | Аудиторлик текширувлари: ички назорат ва уни баҳолаш.....  | 167                      |



устав капиталига қўйиладиган талаблар ҳам тадрижий равишда оширилиб борилди. Масалан, тижорат банклари ва хусусий банклар учун устав капиталнинг минимал миқдори 1998 йилнинг 1 январь ҳолатига мос равишда 1,5 млн. ва 0,3 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида белгиланган бўлса, ҳозирда 10 млн. ва 5 млн. Евро эквивалентини ташкил қилмоқда.

Эътироф этиш лозимки, мамлакатимизда тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли уларнинг капитал базаси янада мустаҳкамланди ва инкироз шароитида миллий банк тизими барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

2010 йил якуни бўйича республикамиз банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,4 фоизни ташкил этди. Бу эса халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан тавсия қилинган 8 фоизлик кўрсаткичдан қарийб 3 баробар кўпдир.

Базель кўмитаси томонидан банк капитали етарлилиги ва сифатига нисбатан талаблар қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, кўмитанинг янги тавсиялари банк капитали таркибида барқарор элементлар – оддий акциялар салмоғи орттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса, республикамизда банклар капиталлашувини акцияларни муомалага чиқариш ҳисобига ошириш бўйича кўрилган ва амалга оширилаётган чоралар нақадар тўғрилигидан гувоҳлик беради.

Фикримизча, банкларда инкирозга қарши бошқарувни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида куйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

– банкларнинг Марказий банк томонидан қайта молиялаш учун ажратиладиган кредитлардан фойдаланиш имкониятини ошириш, хусусан, турли ликвидлилик дастурларини жорий этиш, кредит аукционлари орқали савдоларни йўлга қўйиш, гаров объекти ҳисобланган қимматли қоғозлар рўйхатини кенгайтириш ва бу рўйхатни мунтазам эълон қилиб бориш;

– банк балансини муаммоли активлардан тозалаш воситаларини ривожлантириш, жумладан, муаммоли активлар бўйича зарур бўлганда давлат кафолатини бериш ва харидини ташкил қилиш чораларини белгилаш, бу активлар билан шуғулланувчи махсус инфратузилмаларни такомиллаштириш, коллекторлик фаолиятининг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини шакллантириш;

– активлар секьюритизациясини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бу фаолият устидан пруденциал назоратни кучайтириш, секьюритизацияланаётган активлар шаффофлигини ошириш;

– ҳар бир тижорат банки инкирозли ҳолатларда фавқулодда ликвидлиликни таъминлаш чораларига эга бўлишини таъминлаш, ресурс жалб қилиш ёки активларни сотишнинг мақбул вариантларини олдиндан шакллантириш;

– банкларда рискларни бошқариш тизимини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида қайта кўриб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, банк тизимида инкирозга қарши бошқарув механизмини такомиллаштириш мураккаб вазиятларда мамлакат иқтисодиётида самарали молиявий воситачилик тизими барқарор сақланиб туришига, пул маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эса иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Тадқ. А. Темиров

### *Кичик бизнес субъектлари фаолиятида мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими ва ундан фойдаланиш асослари*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмидир. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов айтганидек "... уларнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўрин эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қилинадиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади"<sup>1</sup>.

Бошқа тоифадаги корхоналар каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги корхоналар тараққиётига эришиш имконини берувчи муҳим омиллардан бири уларнинг ўз молиявий имкониятларидан фойдалана олиш даражасидир.

Корхонанинг молиявий ресурслари молиявий механизм, хусусан, бу ресурслар ҳаракати молиявий усуллар ёрдамида бошқарилади. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам шу усуллар воситасида баҳоланади. Россиялик олима Л.М. Бурмистрованинг фикрича, "Корхонанинг молиявий механизми фойдани максимал даражага олиб чиқишни кўзлаган корхона молиясини бошқариш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир.// Ўзбекистон овози. 2010 й. 8 декабрь.



тизимидир”<sup>2</sup>. Бу ерда мунозарага фойдани максималлаштиришга эътибор қаратилиши ва унинг молиявий механизм, деб таърифланиши сабаб бўлмоқда. Ахир корхоналар бозор шароитида фақат фойда олишнигина эмас, балки бозорда етакчилиikka эришишни ҳам кўзлайдилар.


Корхона молиясини бошқариш умумий бошқарувнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида самарали бошқариш корхона ресурс потенциалини оптималлаштиришни кўзда тутди. Молиявий ресурслар бундай ҳолатда биринчи даражали аҳамиятга эга, чунки улар корxonанинг бевосита ва қисқа муддатда барча кўринишдаги ресурсларидан бирига айланиши мумкин бўлган ягона ресурс ҳисобланади. Молиявий ресурслар бошқарувнинг ҳамма бўғинларида, айниқса, корxonанинг стратегик ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектлари молия муносабатларининг таркиби ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли, уларнинг молиявий фаолиятида таркибий ўзгаришлар юзага келиши мумкин.

Кичик бизнес субъектлари молиясини ташкил этишга қуйидаги омиллар таъсир этади: хўжалик юретишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли; тармоқларнинг техник-иқтисодий хусусиятлари.

Хўжалик юретишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан белгиланган. Кодекснинг 39-моддасига кўра, “Ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади”<sup>3</sup>.

Молиявий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали шакллантирилаётган даврда юзага келади. Кичик корхоналар молиясини ташкил этиш эса ўзига хос тамойилларга асосланади (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес субъектлари молиясини ташкил қилиш тамойиллари

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

Кичик корxonанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли устав капиталини ташкил этиш жараёнидаги молиявий муносабатлар мазмунини аниқлаш имконини беради. Бинобарин, таъсисчилар корхона рўйхатдан ўтаётган даврида устав капиталининг қарийб ярмига яқинини қўйишлари, қолган қисми эса кўзда тутилган муддатларда киритилиши зарур.

Кичик корхоналар молиясини бошқариш молиявий механизм орқали амалга оширилади. Фикримизча, молиявий механизм максимал фойда олиш мақсадида корxonанинг ўз молиясини бошқариш тизимидир.

Маълумки, корхоналар молияси хўжалик субъектларининг пул даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш билан боғлиқ пул муносабатларидир. Улар ёрдамида корхона молия-банк тизими олдидаги мажбуриятларини бажаради, шунингдек, тақрор ишлаб чиқаришни ҳам амалга оширади ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни бериш имкониятига эга бўлади.

Ички молиявий бошқарув корхона бўлимлари иши табақалашувининг иқтисодий самарадорлиги ортишига имкон беради. Ташки молиявий ресурсларни бошқариш эса, корxonанинг стратегик ўсишини таъминлашга ёрдам беради. Инвестицияларнинг вақтида баҳоланиши, акцияларни сотиш, давлат кўмаги, тадбиркорлик капитали, молиявий қўйилмалар бўйича даромадлар ва бошқалар бу жараёндаги муҳим элементлар ҳисобланади.


<sup>2</sup> Бурмистрова Л.М. Финансы организаций (предприятий). – М.: Инфра-М. 2007. 480 с.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”. Т. Адолат 1997 й.



Корхоналар молиясини бошқаришни ўрганишга алоҳида ёндашувлар зарур, чунки молия иктисодиётнинг барча соҳаларида муҳим дастак ҳисобланади, уни бошқариш эса корхона барқарор фаолият юритишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Мазкур муаммони тадқиқ қилиш “Кичик корхонани молиявий жиҳатдан бошқариш” тушунчасини категориялар бўйича дифференциациялаш имконини беради. Молиявий бошқарув барча иктисодий тизимдаги каби бошқарувчи ва бошқариладиган бўлимлардан ташкил топади (2-расм).



2-расм. Кичик корхоналарда молиявий бошқариш тузилмаси

Манба: Суходеев Д. Управление финансами предприятия. // Экономика и финансы, № 4, 2007 й.

Молиявий ресурслардан фойдаланиш ва уларни бошқариш корxonанинг молиявий ҳисоб-китоблар воситасида амалга ошириладиган бизнес операциялари бажарилиши учун зарур. Унинг асосида кичик корхонада ишлаб чиқаришга сарфланаётган молиявий харажатлар, иктисодий асосланган пул оқимлари ва сарфлари устидан назорат ётади. Бошқариш механизми бўлган молиявий ҳисоб-китоблар корхона фаолиятидаги молиявий харажатлар устидан қаттиқ назорат ўрнатишга ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилади.

Молиявий ҳисоб-китоб тизими тамойиллари амалда қўлланилиши бозор шароитида рақобатбардошликни шакллантириш учун корхонадаги ички карама-қаршиликка чек қўйиш имконини беради.

Кичик бизнес субъектлари тараққиёти бевосита молиявий муносабатлар такомиллашувига боғлиқ. Мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг турли шаклларида кенг фойдаланишга ўтиш кичик бизнес ривожланишигагина эмас, балки унинг молиявий муносабатлари ҳам бозор талаблари асосида тараққий этишига замин яратади. Бозор шароитида, кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши амалдаги молия муносабатлари тизимига бевосита боғлиқ. Лекин бу жараёнда молиявий менежментни кичик корхонанинг ривожланиш даражасига мос равишда ва тўғри ташкил қилиш асосий муаммо ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, корхоналар стратегик жиҳатдан ривожланишида бошқарувнинг янги тизимлари аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай тизимларга мисол тариқасида Л. Мейселнинг “Стратегик карталар модели”, К. Мак-Найрнинг “Корхона фаолияти пирамидаси”, Р. Линч ва К. Кросснинг EPPM (Effective Progress and Performance Measurement – фаолиятнинг самарадорлиги ва ўсишини баҳолаш) ва бошқаларни келтириш мумкин. Мазкур тизимлар ичида америкалик олимлар Р. Каплан ва Д. Нортон томонидан ишлаб чиқилган “Мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими” (Balanced Score Card - BSC) алоҳида ўрин эгаллайди<sup>4</sup>.

BSC тизими корхонанинг стратегик бошқариш тизими сифатида унинг самарадорлигини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар, жумладан, стратегик жиҳатдан фаолиятнинг мавжуд кўрсаткичларини ўлчаш ва баҳолаш асосида ишлаб чиқилган. BSC тизимида ўтган операцияларнинг анъанавий молиявий параметрлари билан бирга келгусидаги молиявий фаолиятнинг янги баҳолаш тавсифи алоқаси мужассамлашган.

<sup>4</sup> Ольве Н.-Г., Рой Ж., Ветер М. "Оценка эффективности деятельности компании. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей". - Москва М.: Вильямс, 2004 г., с. 37.



Молиявий мақсадларга эришиш кичик корхона бизнес стратегиясининг энг асосий ва муҳим мақсадидир. Кейинги мақсадлар эса, истеъмолчиларни танлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари реализацияси билан боғлиқ тадбирлар, шунингдек, харидор (мижоз)ларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ҳисобланади.

Кичик корхона бизнес стратегиясининг навбатдаги мақсади мулк эгалари билан харидорлар манфаатлари бир-бирга мос келганда уларни амалга ошириш йўлларини кидириш кабилар саналади. Бунда мулк эгалари хоҳлаган молиявий натижаларга ва мижозга сифатли хизмат кўрсатишга эришиш имконини берувчи ички ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар белгиланади.

Молиявий кўрсаткичлар BSC тизимининг асосий натижасини ифодалайди, хусусан, мижозлар билан муносабатлар, ички бизнес жараёнидаги, инновацион соҳадаги, иқтисодий ўсиш кабилардаги ўзгаришлар молиявий фаолиятни сотиш ҳажмининг ўсиши, операция фойда, айланма капитални тезлаштириш, асосий фаолият харажатларини қисқартириш каби йўллар орқали яхшилаш имконини ифодалаши керак. Бошқача қилиб айтганда, BSC узоқ муддатли молиявий мақсадлар кўйишни ифодаладиган стратегия бўлиб, у кўзланган узоқ муддатли иқтисодий натижага кетма-кет эришилишини ифода этади.

Бунда самарали молиявий менежмент рискларни бошқаришни ҳам ҳисобга олиши керак. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида иқтисодий ўсиш, даромадлилик ва пул оқимларининг ҳажми инвестициялар рентабеллиги ортисига боғлиқ. Бироқ, кутилаётган даромадлиликни рискларни бошқариш ва назорат қилишга тенглаштириш лозим.

Корхона молиясини қўлланилаётган амалдаги бюджетлаштириш йўли билан бошқариш тизими тўлиқ самара бермаяпти. Чунки унда кичик корхона олдига қўйган мақсад билан узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси орасида боғлиқлик йўқ. Бу эса корхона менежментда молиявий таҳлилнинг анъанавий усулларидан фойдаланиш жараёни ўзгартирилишини тақозо қилмоқда.

Бюджетлаштиришга асосланган анъанавий бошқариш усули камчиликларини кичик корхона ривожланиш стратегиясига боғлиқ жиҳатлари нуктаи назаридан қуйидагича ифодалаш мумкин.<sup>6</sup>

-корхона ривожлантириш стратегиясининг ресурслар тақсими алоқаси мавжуд эмас, чунки у келажакда қандай натижалар талаб қилиниши нуктаи назаридан эмас, балки анъанавий тарзда аввалги қарорлар асосида амалга оширилади;

- анъанавий бюджет назоратининг тескари алоқаси эришиладиган натижалар билан таққослаш учун эмас, балки ҳақиқатда сарфланган харажатлар билан бюджетда режалаштирилган харажатларни таққослаш учун фойдаланилади.

Кичик корхоналар молиясини бошқаришнинг анъанавий бюджетлаштириш тизимидан воз кечиш бу молияни бошқаришда янги усулларни кидириб топишга олиб келди. Хусусан, BSC асосидаги стратегик бюджетлаштириш устун томонларини кўрсатди. Фикримизча, стратегик йўналтирилган бюджетлаштириш мувозанатланган кўрсаткичлар тизимини қуриш имконини беради ва у келгусида корхона бюджетда ўз аксини топади. Шу сабабли BSC тизими орқали бюджетлаштириш тизимига ўтиш жараёнини қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширишни тавсия қилиш мумкин:

1. Кичик корхона фойдаси, маҳсулот реализацияси ва рентабелликнинг ўсиш кўрсаткичлари мақсадли аҳамияти BSC тизимидан молиявий бюджетга (фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботларнинг прогноз маълумотларига) ўтказилиши керак.

2. Стратегик ташаббуслар бюджетини шакллантириш ва тадбирлар қийматини аниқлаш ҳамда харажатларини вақтлар бўйича тақсимлаш имконини ҳисоблаш муҳим.

3. Кичик корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва уларда қўлланилаётган бюджетлаштириш тизимига кўра маҳсулот сотишдан тушум ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар янги лойиҳа бюджетда ёки компаниянинг йиғма бюджетда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

4. Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш, сотишни рағбатлантириш, реклама ва бошқа харажатлар тижорий ва бошқарув харажатлари бюджетига киритилиши лозим.

5. Корхонанинг ички ишлаб чиқариш тузилмалари фаолиятини ривожлантириш, инновациялар, ўсишга сарфланадиган харажатлар инвестицион бюджетга киритилиши таклиф қилинади.

6. Бошқарув ҳисоби сиёсатида кўра, корхона томонидан янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинаётган харажатлар маъмурий харажатлар бюджетига ёки инвестицион бюджетга киритилиши мақсадга мувофиқ.

7. Персонални ўқитиш ва ривожлантиришга, шунингдек, жамоадаги ички муҳитни яхшилашга сарфланадиган харажатлар бошқарув харажатлари бюджетига киритилиши керак.

<sup>6</sup> Мэй М. "Трансформирование функции финансов". – М.: Инфра-М, 2005. С. 152.



килинган инвестициялар, пассивига эса режалаштирилаётган молиявий натижалар киритилиши тавсия қилинади.

9. Агар пассив прогноз кўрсаткичлари етарли бўлмаган ҳолат юзага келса, қўшимча ташқи молиялаштириш манбаларини қидириш ёки BSCни қайта кўриб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган барча усул ва йўналишлар корхонанинг молиявий ресурсларини мақсад ва вазифаларига кўра белгиланган стратегик режалаштириш ҳамда уларнинг самарадорлиги орттиришига мос равишда тақсимлаш имконини беради.

Тадк. М. Якубжанов

### **Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигини таъминлашда тижорат банкларининг ликвидлик рискларини бошқариш муаммолари**

Ўзбекистон банкларининг умумий капитали, активлари ва кредит қўйилмалари, шунингдек, депозит базаси кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Бунга банк тизимини эркинлаштириш, унда ислохотларни чуқурлаштириш саъй-ҳаракатлари тобора кучайтирилаётгани, хусусан, Президентимизнинг банклар фаолияти барқарорлигини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, банк хизматларининг жаҳон банк амалиёти стандартларига мос янги турларини ишлаб чиқиш бўйича талабларини изчиллик билан амалга ошириш натижасида эришилмоқда.

Ҳозирги пайтда республика банк тизими ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроиктисодий вазиятдаги жиддий ўзгаришлар, умумиктисодий вазифаларни амалга оширишда банк салоҳияти ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқ. Чунки кредит ва молия операцияларининг асосий қисмини қамраб оладиган кредит тизимида ҳал қилувчи бўлган банк тизимидир.

Таъкидлаш жоизки, банк тизимининг аҳволи мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазиятга боғлиқ, у айна пайтда иқтисодийнинг пойдевори ҳам ҳисобланади. Демак, иқтисодийнинг соғломлик даражаси, аввало, шу тизим орқали намоён бўлади. Бу эса унинг жамиятда ижобий ўзгаришлар катализаторияга айланиши мумкин бўлган ўта муҳим тизим эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда банк тизимини қайта қуриш мустақил давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Уни институционал ислох этишда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Икки даражали банк тизимининг яратилиши иқтисодийда туб таркибий ўзгаришлар қилиш ва иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос мустақил моделини ҳаётга татбиқ этиш учун молиявий негиз барпо этирилишига замин бўлди.

Эндиликда мамлакатимиз банк тизимидаги бошқарув жараёнларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга талаб кучаймоқда. Шу муносабат билан бу жараёнларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш асослари тобора долзарблашмоқда. Бунга эришиш банклар, шу жумладан, тижорат банклари фаолиятини барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаб бориш имконини беради. Тижорат банклари фаолиятини барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаб бориш эса, Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, тизимли ёндашиладиган, чуқур назарий ва методологик муаммодир<sup>1</sup>.

Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланган. Шу сабабли уларнинг фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, аввало, инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялашни йўлга қўйиш бўйича махсус хизматлари бўйича фаолиятини мустаҳкамлаш жараёни кучайтирилмоқда.

Банклар инвестиция мақсадларига йўналтирган кредитларнинг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, реал секторга йўналтирилган кредитлари умумий ҳажми эса 2010 йилда 2000 йилдагига нисбатан 14 баробар ошди.

Банкларимиз, жаҳондаги йирик банклар қаторига кириб улгурди. Улар зиммаларидаги вазифаларни муваффақиятли удралаб келмоқдалар. Шундай вазифалардан энг асосийси жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш маблағларини ҳамда хорижлик сармоядорлар маблағларини банк айланмасига қўшимча равишда жалб қилиш ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтиришдир. Бунга эришиш, аввало, тижорат банкларига яратиб бериладиган шарт-шароитга боғлиқ. Шу боис уларнинг бу борадаги фаолиятини ҳамдўстлик мамлакатларида ҳали қўлланмаган ноанъанавий йўللар билан рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, даромад солиғи базасини жисмоний шахслар муддатли омонатларининг ўсиши миқдоригача камайтириш ва бунинг натижасида солиқдан озод бўладиган маблағларни омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишга йўналтириш имконияти яратилди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: 2005. 86-б.